



## ТАҚДИРГА АЖОВУЗ

Ароқхўр эри ураверганидан юзи кўкариб уйга келган икки гўдакли қизини ота ҳам уйга киритмагач, келинчак болаларини бағрига олиб, ўзини дарёга ташлаганини ўқидим. Болалар чўкиб кетди, қутқарилган она телба бўлиб қолди.

Отанг ўлсин, Сайидолим боламиз!

Онанг ўлсин, Нилуфар қизимиз!

(Давоми 2-саҳифада)



## ЁПИҚ ҲАЁТ ОРТИДА

Бу ерда ҳаёт эрталабки соат тўртдан бошланади. 35 нафар аёл иш вақти – 8.00 гача ювиниб тараниб, нонушта қилиб олиши керак. Кейин эса ишга. Иш каттагина цехда, тикиш билан боғлиқ машғулликдан иборат.

Келинг, Паст Дарғом тумани Гўзалкент кўрғонидаги 37-сонли манзил-колониядаги шартнома манзилларидан бирида яшовчи қахрамонларимизнинг баъзиларининг ички кечинмалари билан танишсак.

### Шароитларни ўйлашга хаёлимда жой йўқ

– Қашқадарёданман асли. Бу ердаги шароитлардан нолимайман. Санаторийдамасмизку. Ишласак, шунга яраша маблағ берилади. Ўша пулга озиқ-овқат, ўзимизга керакли нарсалар сотиб оламиз. Бекор ўтиргандан кўра ишдан кейин ҳам ишласам дейман. Иш билан чалғимаса одам бу хаёллардан кутулиш жуда қийин...

Неварам туғилгач, унинг умрига зомин бўлганман... Номус қилганман, турмуш ўртоғимдан кўрққанман, бунга эслаш жуда оғир, гарчи хаёлимдан кетмаган бўлса-да. Аммо овоз чиқариб кимгадир айтиш учун катта куч керак. Ҳар куни эслайман, ҳар куни гўштқиймалагичдан ўтаётгандай эзги-ланаман, шундай азоб беради бу хаёллар. Ичимдаги қийноқлар олдида бу ердаги шароитлар ҳеч нарса эмас. Ундан кўра иш вақти тугагандан кейин ҳам тикиш қиламан, шундан таскин топаман.

### Учрашув хонаси бўлиши керак

Бу опадан фаркли равишда бу ердаги шароитни доимий равишда ўйлайдиган, бундан норози аёллар ҳам бор.

– Етти йилдан зиёдрок муддат берилган менга. 29 ёшдаман. 165-модда билан айбланганман. Гуруҳли босқинчилик. Онам ва синглим ҳам қамалган.

– Бир оиладан уч киши? Жуда оғирмиди жиноятларингиз?

– Қўшнимиз билан келишмай қолгандик, ўртада жуда катта жанжал кўтарилди. Натижа шундай бўлди. Колонияда пайтим турмушга чиқдим. Бу ердаги шароитларни кўряписиз. Ҳатто қариндошлар билан кўришиш учун жой ҳам ажратилмаган. Кўришиш учун узок йўл босиб, йўлқира сарфлаб колонияга боришимиз лозим. Бу ерда ҳам шундай шароит яратилиши керак, деб ўйлайман.

Болаларимга ҳам пул жўнатаман.

– Биз ҳам сайловларда иштирок этишга ҳақлимиз. Яқинда муддатидан илгари Президентлик сайлови бўларкан. Биз ўз овозимизни беришимиз керак.

– Конституциядаги ўзгаришларга кўра шундай бўлади. Фақат суд ҳукми билан муомалага лаёқатли бўлмаган шахсларгина сайловда иштирок этмайди, сизлар ҳам албатта сайловда иштирок этасизлар.

– Чунки сиёсатни, айниқса бугун тадбиркорларга яратилаётган шароитларни айрим очикда юрганлардан кўра яхшироқ тушунаман.

– Тадбиркор бўлганмисиз?

– Ҳа, катта тадбиркорлигим бор эди. Эҳҳе, бошимиздан қандай қийинчиликларни ўтказганмиз. Балки ҳозирги имкониятлар бўлганда ўша жиноятга қўл урмаган бўлармидим. 164-модда билан тушганман бу ерга. “Срогим” ҳам каттагина.

(Давоми 6-саҳифада)



## ОТАНИНГ ҲАҚҚИ

– Бугун жанозада кўп одам тўпланди – гап бошлади Нозимжон тушликда уйларига келган акасига салом-аликдан сўнг. – Эртароқ чиққандим, жаноза вақти бўлгунча кишлоқ оқсоқоли Абдухалил бобо билан анча гурунглашдик, ўтганларни эсладик. Раҳматли отам ҳақида “...малимимиз яхши одам эдилар”, дея илик гапларни айтдилар, хурсанд бўлдим. Яна ота-онага яхшилик қилиш фазилати ҳақида фикрларини билдирдилар.

У кишининг айтишича, бугун набираси вафот этган Бердикул бобо бир ота-онадан икки ўғил ва икки қиз бўлишган экан. У киши тўнғич фарзанд бўлгани учун ҳам ота-онасига, ҳам ука-сингилларига оқибатли бўлган. Улар ўзларини тутиб олгунча кўп ёрдамлар қилган экан. Бугунги кунгача ҳам силаи раҳми маҳкам тутиб, жигарбандлари ҳолидан хабардор бўлиб юраркан.

Яратганнинг марҳамати билан уй-

ланиш ёшига етганда Бердикул бобога яхши жуфт насиб этибди. Улар олти ўғил, тўрт қизни оқ-ювиб, оқ тараб, катта қилишибди. Болалар ҳам ота-оналарига муносиб, уларни кадрлайдиган, ҳалол меҳнат билан кун кўрадиган инсон сифатида улғайишибди. Ҳаммалари бирин-кетин уйли-жойли бўлиб, ҳаётда ўз ўринларини топишибди. Бу орада Бердикул бобонинг ота-оналари ҳам ёруғ оламни тарк этишибди.

– Хуллас, Бердикул ота-онасига ҳам, яқинларига ҳам имкони қадар ёрдамчи бўлиб, дуоларини олганди, – деди Абдухалил бобо. – Аммо ҳаёт ҳар доим ҳам силлиқ бўлавермас экан-да. Аёли “энди оғзим ошга етди” деганда аввал бетоб бўлди ва кўп ётмай омонатини ҳаққа топширди.

Нозимжон кишлоқ оқсоқолидан эшитган гапларни бирма-бир сўзлар, акаси вазминлик билан тингларди.

(Давоми 8-саҳифада)





(Боши 1-саҳифада)

«Бу воқеа подшоҳлик замонларида бўлган. Бир тошкентлик чапани йигит Бўстонлик тарафлардаги козокнинг туясини ўмариб келиб, Чорсуда бозорга солибди. Туя йўқотган козок ҳам ҳар ҳолда ўғри бозорга олиб тушса керак, деб шаҳарга тушиб, бозор оралаб юрган экан. Бир пайт у ўзининг туясини кўриб қолибди ва йигитга: «Бу туя меники», – деб даъвогарлик қилибди. Йигит ҳам туялар бир-бирига ўхшашлигини айтиб, туя ўзиникилигини даъво қилибди. Иккиси қозининг олдига боришибди.

Қози қозокдан: «Менга қара, туя сеникилигини нима билан исботлайсан?» – деб сўрабди. Ҳар ҳолда, туяни тошкентлик ўзбек бозорга етаклаб чиққан, козокнинг туяга эгаллигини исботлаши шартлиги тушунарлидир.

Қозок: «Бу туя меники, унинг жигарида иккита тешиги бор. Шунисидан ажратиш олса бўлади», – дебди. Қозининг жаҳли чиқибди: «Унинг ичидаги жигаридаги тешикни қайдан биласан, нодон!» Ҳали рентгену товушли диагностика бўлмаган замонлар экан-да.

Қозок чол: «Келинлар, туяни сўямиз. Агар унинг жигарида иккита тешиги бўлмаса, сўйилган туя гўштини ҳам ўзбек олади. Мен яна унинг устига битта туя берман унга. Агар туянинг жигарида иккита тешиги бўлса, туянинг гўштини ҳам мен оламан, яна ўзбек битта туя ҳам қўшиб беради, – дебди. – Бу туянинг жигарида иккита тешиги бор: биттаси катта, иккинчиси кичикроқ».

Ўзбек йигит: «Бу чол сўйиб кўрилмаган туянинг ичидаги жигарнинг тешигини қайдан биларди!» – деган ишонч билан: «Агар


шу туянинг жигарида тешиги бўлса, мен унга туя гўштининг устига бир эмас, иккита туя берман», – дебди.

Туяни сўйишибди. Ажабо, унинг жигарида ростдан ҳам иккита тешиги бор экан: бири анча каттакон яра бўлиб, иккинчиси кичикроқ экан. Иккала ярадан ҳам қон силкиб турган экан.

Гаровни қозок чол ютибди. Қози уни бир четга тортиб: «Менга қара, бутун туянинг ичидаги жигарида тешик борлигини қайдан билдинг?» – деб сўраган экан, чол шундай дебди: «Бу туя менинг туям. Унинг иккита боласи ўлган. Биттаси каттагина эди. Иккинчиси бўталоқлигида ўлган. Фарзанд жигарнинг қонидан бўлади. Фар-

берамиз, энг сара таомлар едирамиз. Топганимизни уйга тортиб келамиз. Агар қизалоғимиз болалигида ёки ўсмирлигида биров шу болангни миллионга ё миллиардга сотгин деса, уриб ўлдиришга тайёр турамиз. Аммо воёга етгач ўзимиз уни бошқа бир хонадонга узатиш пайида бўламиз, яна ёнига сеп-сарпо қилиб миллионлар, ҳатто топсак миллиардлаб қўшиб топширамиз. Агар биров «харидори» чиқмай турса, «қариқиз» бўлиб қолмасайди, деб ўксинамиз.

Биродарлар, бу дунёда қиз боланинг кўрган тўрт-беш яхши қуни ота уйида ўтган умридир. Чунки



**«Бу туя менинг туям. Унинг иккита боласи ўлган. Биттаси каттагина эди. Иккинчиси бўталоқлигида ўлган. Фарзанд жигарнинг қонидан бўлади. Фарзанди ўлган онанинг жигари тешилиб кетади. Шунинг учун унинг жигари икки еридан тешилиб кетган бўлиши керак, деб ўйладим».**

занди ўлган онанинг жигари тешилиб кетади. Шунинг учун унинг жигари икки еридан тешилиб кетган бўлиши керак, деб ўйладим».

О, ўзбекларим! Урф-одатларимиз ажиб-да. Қиз болани авайлаб катта қиламиз, «она қизим» деб эркалаймиз, бегона назарлардан асраймиз, гўзал кийимлар олиб

миллатимизда ҳаёт тарзи шундай бўлиб келган ва шундай қолмоқда. Умуман, қиз бола ота-она хузурида оҳудай ўйнаб-қулиб яшаса-да, кейин 20-30 йил қайнонанинг чўриси бўлиб яшайди, кўп жабр чекади, сўнг келин туширади, ўзи қайнонага айланади ва қолган умрида 20-30 йил келинини эзгилайди. Тўхта, мен шунча жабр

кўрдим, энди келиним кўрмасин шу кунни, у ҳам бировнинг боласи, демайди. Келинлик шу, биз ҳам жабр чекканмиз, ўлиб қолмайди, дейди. Бу зулм занжирини биров тўхтатмайди.

... Инсон жони ва ҳаёти тинимсиз кадрсизланди. Бутун дунё инсон ҳуқуқлари, эрки, озодлигини талаб қилиб турганда, бизга ўзимиз ҳақимизда маҳалла аҳли фикри яхши бўлишини ўйлаймиз. Аллоҳ бу ишимизга нима деркин демаймиз, одамлар нима деркин, деб хижолат бўламиз, Холикни эмас, халқни ўйлаймиз.

Ахир, Насиба ўша кеча ота уйида қолса, шу ерга сиғса, нима бўларди?! Ичиб келиб урадиган эрдан ажралса, нима қилади?! Ажралиш ҳам бир ҳуқуқий жараён, имконсиз бўлгандан кейин ажралиш ҳам керак. Ҳаёт битта рецепт остида ривожланмайди. Тақдирлар турлича. Золим эр билан яшаб ўлгунча, ажралиб тирик қолгани яхшимасмиди. Ахир, у ҳам инсон-ку.

Нега бунча ғийбатчи элмиз?! У эридан ажралибди, фалончи қайтиб келибди, анавининг эри юрар экан, манавининг қизини биров билан кўришибди, бу одам ундок эмиш, у одам бундок эмиш... Мишмиш. Ахир, ҳаётимиз бизники, бутун кучимизни одамдай яшашга, Аллоҳнинг қошига ёруғ юз билан боришга, бунинг учун фақат яхши ишлар қилишга, бировга на сўз билан, на хатти-ҳаракат билан озор бермасликка интилиб яшашга сарфлашимиз керакмасми?! Биз эса одамларга ниманидир исботлаб қўйишга, уларнинг наздида бахтли, омадли, бой-бадавлат кўринишга катта куч сарфлаймиз. Қизимиз қайтиб келса, одамлар нима дейди, деб кўпроқ ўйлаймиз. Уни яна золимнинг қўлига топширамиз. Увол бўлаётган болалар-чи. Нилуфар ва Сайидолимнинг митти қабрлари-чи?! Насибанинг тақдир-чи?!

Миллат, халқ, инсон ўларок яшаб қолишимизнинг шартини ўз ҳаётимизга соҳиблигимиз ва ўзгалар ҳаётини ҳам шу қадар кадрлашимиздир. Бошқа йўл қолмади, биродарлар.

Карим БАҲРИЕВ



# “Белтау” овулининг замонавий қиёфаси

Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир туманининг энг чекка “Белтау” овул фуқаролар йиғинида бундан икки-уч йил аввал бўлган киши бу ердаги бугунги туб ўзгаришларни кўриб, хайратда қолиши шубҳасиз.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда блогерлар учун яқинда “Белтау” овул фуқаролар йиғинига пресс-тур ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад худудда амалга оширилат-

кунда овулнинг қиёфаси тубдан ўзгарди.

“Обод қишлоқ” дастури асосида қурилиш, таъмирлаш, кўчаларга кум-шағал аралашмаси ва қора қоплама ётқизиш ишлари амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 24 майдаги “Аҳолининг



ган ишлар ва келгусидаги режаларни кенг жамоатчиликка етказишдир.

Туман марказидан 40 километр узоқда жойлашган Қозоғистон билан чегарадош овулда аҳоли асосан чорвачилик билан шуғулланиб келган. Сув тақчиллиги натижасида овул аҳолиси ҳаётида муаммолар юзага келди. Бундан хавотирланган аҳолининг аксарияти қўшни давлатга кўчиб кетди. Айримлари уй-жойларига мижоз топилмаганидан уларни бузиб, тегишли қурилиш материалларини олиб, сотиб кетишди. Натижада, 400 дан зиёд хонадон истиқомат қилиб келган овулда бугунги кунда атиги 166 та хонадон қолган. Кўчиб кетишга имкони бўлмаган, келажакда овулга кимнингдур назари тушишидан умидвор бўлганлар киндик қони томган ерда яшаб қолди. Бугун, улар бу ерларни ташлаб кетмай, тўғри қилган, десак муболаға бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йилнинг февраль ойида худудлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар ва аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистонга ташрифи доирасида ушбу овулдаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечириб, муаммоларни ҳал этиш, бандликни таъминлаш борасидаги таклифларини билдирган эди. Натижада, Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши томонидан ҳамкорликда олиб борилган савий-ҳаракатлар натижасида бугунги

ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори асосида аҳолини тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, оқова сув хизматларини яхшилаш, сув таъминоти оғир бўлган маҳаллаларни тўлиқ хатловдан ўтказиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Шу жумладан, “Белтау” овул фуқаролар йиғинига Тошкент шаҳридан келтирилган техникалар ёрдамида 16 та ер ости сувлари учун қудуқ бурғилаш ишлари олиб борилди. Бу эса, биринчи навбатда, аҳолини, ижтимоий соҳа объектлари ва томорқа ерларини сув билан таъминлаш имконини берди.

“Белтау” овули ёнидаги қуриб қолган сой қазиб кенгайтирилди. Натижада 2 минг гектар ерни кафолатли суғориш имкони яратилди. Соёга пиёдалар ўтиш учун кўприк қурилди, атрофи ободонлаштирилиб, пиёдалар ва вело йўлакчалар қилинди.

Худудда 1,2 километр янги асфальт йўл қилинди. 4,5 километр тупроқ йўлга шағал тўқилди. 3,1 километр пиёдалар йўлакчаси қурилди ва 2 километр масофадаги эски ариқ бетонлари олиб ташланиб, 1,65 километр янгидан қурилди. Овулда 3 та янги электр трансформатор ўрнатилди, 2 таси таъмирланди, 120 та электр устунни, 44 та тунги ёритгич чироғи ўрнатилди ва 7,64 километр ҳаво линияси тортилди.

Қишлоқ шифокорлик пункти, овул фуқаролар йиғини биноси,



15-сонли умумтаълим мактаби, 13-сонли мактабгача таълим ташкилоти ва ташландиқ аҳволга келиб қолган маданият саройи таъмирланди. Собиқ чорва фермаси таъмирланиб, ишга туширилди. Бугунги кунда фермада қорамоллар боқилмоқда.

Айтиш жоизки, овулдаги 100 та хонадон таъмирланди. 37 та ташландиқ уйнинг ўрни тозаланиб, кўча бўйидаги 9,5 километр ариқ тозаланди ва янгидан 0,45 километр ариқ қазилди. 11 минг 200 туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди.

Худуддаги 20 нафар хотин-қиз тикувчилик касби бўйича ўқитилиб, тикувчилик цехи ишга туширилди. “Uzmobile” алоқа антеннаси ўрнатилди. Натижада аҳоли интернет тармоғидан фойдаланиш имконига эга бўлди.

Пресс-тур иштирокчилари овулда олиб борилаётган қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишди. Қишлоқ аҳолисининг томорқа ерларида олиб борилган ишлар кўзни қувонтиради. Ўроқбой Қосбаулиев хонадонидagi 20 сотих ерга 8 минг туп помидор, 2 минг туп бодринг, 2 минг туп қовоқ, 1,5 минг туп тарвуз ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экилган. Эртанги мўл ҳосилдан дарак берувчи ниҳоллар бир текис гуллаб, меваламоқда. Қорақалпоғистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси Қууанишбой Нуриμβетовнинг таъкидлашича, овулда ҳар бир хонадоннинг томорқа ерлари яқин кунларда мана шундай кўринишда бўлади. Иккинчидан, етиштирилган ҳосилнинг харидорлари ҳам тайёр. Овул худудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи цех қурилиши бошланиш арафасида. Унда

томорқаларда етиштирилган маҳсулотларни шартнома асосида қабул қилиб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Маҳсулотлар хорижга экспортга йўналтирилиб, ёшлар учун янги иш ўринлари яратилади.

Овул фуқаролар йиғини худудда янгидан 1000 гектар ер ўзлаштирилди. Шунинг 500 гектарига плёнка остига чигит, помидор, қовун-тарвуз ва бошқа экинлар экилди. Ушбу ишларда замонавий техникалардан фойдаланилмоқда. Жумладан Хитой мамлакатидан келтирилган сеялка бир вақтнинг ўзида тўртта амалиётни бажаради, яъни чигитни қадайд, озуқасини беради, томчилатиб суғориш қувурини ётқизади ва плёнка тўшайди. Дала ишларига тажрибали деҳқонлар жалб қилинган. Масалан, помидор экишда Беруний туманидан тажрибали деҳқон Э.Юлдашев раҳбарлик қилаётган бўлса, қовун-тарвуз экиш ва тарбия бериш ишларига Наманган вилояти Чуст тумани Олмос қишлоғидан Н.Ғаниев бошчилик қилмоқда. Экинларни суғориш тўла томчилатиб суғориш тизимида амалга оширилади. Дала четларидан ҳам самарали фойдаланилиб, қўшимча маҳсулот олинади.

Пресс-тур иштирокчилари овул фуқаролар йиғинида замонавий чорвачилик мажмуасида, маданият уйида, туман ФХДЁ бўлимининг филиалида ва бошқа жойларда бўлди.

Тадбир якунида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режалар юзасидан батафсил маълумот берилди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда блогерлар бу борада ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

**Довуд АБИБУЛЛАЕВ,**  
ЎЗА





# АДОЛАТЛИ КЕЛАЖАКНИ

**“Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робохон Маҳмудованинг Сайловолди дастурида тўққизта йўналиш бўйича амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинган. “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурларига ҳамоҳанг ва уйғун бу йўналишларда Ватанимиз тараққиёти йўлида демократик, ҳуқуқий, ижтимоий давлат ва барча учун фаровонлик таъминланган адолатли фуқаролик жамиятини қуриш мақсади баён этилган.**

**Мақсадга эришиш йўли нималардан иборат? Улар жамиятимизда қандай янгиликларга, ўзгаришларга йўл очиб беради? Ушбу масалалар, аynи пайтда малакали экспертлар томонидан жиддий таҳлил қилиниб, улар ҳақида турли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Қуйида номзоднинг Сайловолди дастури хусусида билдирилган фикр-мулоҳазалардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

**Холиджон КОМИЛОВ,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор,  
Тиббиёт ходимларининг касбий  
малакасини ривожлантириш  
марказининг офтальмология  
кафедраси профессори:



— “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робохон Маҳмудованинг Сайловолди дастури тўртинчи йўналиши соғлиқни сақлаш тизимига бағишланган. Унда, жумладан, давлат ҳисобидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва дори воситалари рўйхатини такомиллаштириш, ижтимоий дорихоналарни ривожлантириш, оғир касалликларни давлат томонидан даволашни кенгайтириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган.

Бу масалаларга алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас. Негаки, фуқароларга кўрсатиладиган тиббий хизмат даражаси такомиллаштирилиши муҳим. Чунки тиббий хизматлар ривожланмаса ва бу иш давлат томонидан амалга оширилмаса, соғлиқни сақлаш тизимида турли мураккабликлар, қийинчиликлар келиб чиқади. Касалликларни даволаш сифати ҳам, фуқароларнинг тиббиёт тизимига ишончи даражаси ҳам пасаяди. Аynи пайтда дори воситалари рўйхатини такомиллаштириш борасида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Эътибор беринг, юртимизга ҳар хил дори воситалари кириб келаверса, бу дори воситаларининг аҳоли соғлиғини яхшилаш ўрнига зарарли томонлари мавжуд бўлса, хўш, бунга ким жавоб беради? Шундай экан, давлат тиббиёт ташкилотларининг хизмат фаолиятини такомиллаштириш ва дори воситалари рўйхатини давлат томонидан қатъий эътибор билан шакллантириш ҳаётий зарурат ҳисобланади.

Дастурда нодавлат тиббиёт ташкилотларини тижорат ташкилотидан нотижорат ташкилотига ўтказиш масаласи ҳам ўртага ташланган. Бу аynи

юқоридоғи масалани ижобий ҳал қилишнинг яна бир самарали усули ҳисобланади. Чунки тиббиёт ташкилоти бутунлай тижорат ташкилотига айланса, маблағ кетидан қувиш бошланади. Маблағ кетидан қувиш эса соғлиқни сақлаш тизимида аҳволни қийинлаштиради, ижтимоий мақсадлардан тижорий мақсадлар устун қўйилишига сабаб бўлади. Тизимда турли иллатларнинг юзага келишига омил яратади. Шунинг учун ҳам уларни нотижорат ташкилотга айлантириш мақбул йўл кўринади. Бу амалиёт Жанубий Корея ва бошқа қатор ривожланган давлатлар тажрибасига тўла мос келади.

Дастурда оғир касалликларни давлат томонидан даволашни кенгайтириш масаласи ҳам тўғри қўйилган, деб ҳисоблайман. Чунки шундай касалликлар борки, улардан фориғ бўлиш учун ҳар қандай фуқаро ёки оиланинг имконияти, кучи етавермайди. Баъзан эса жамиятда эпидемия ёки пандемияни юзага келтирадиган касалликлар пайдо бўлади. Бу эса ўз-ўзидан оғир касалликларни ва пандемия туфайли юзага келган асоратли касалликларни даволашда давлатнинг фаолиятини кенгайтиришни талаб қилади. Қолаверса, аҳолининг кафолатланган тиббий хизматлардан фойдаланиш масаласи янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам ўз аксини топганки, бу номзоднинг дастуридаги аynи масалада ҳам ифодаланган.

Сайловолди дастуридаги фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишувлар ортидан беморларга ҳаддан зиёд дорилар сотиб олишга таъсир кўрсатиш юқорилагани, Ўзбекистон антибиотиклар истеъмоли бўйича етакчи ўринларда экани ҳақидаги фикрлар ҳам ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмайди. Афсуски, бундай салбий ҳолатлар ҳаётимизда мавжуд ва уларни бартараф этиш зарур. Ахир бундай келишувлар оқибатида фуқароларнинг қанчадан-қанча маблағлари кўкка совурилади, энг ачинарлиси, фуқароларимизнинг соғлиғига зиён етади. Шунинг учун ҳам номзод ўз Сайловолди дастурида дориларнинг ягона электрон базасини янада такомиллаштириш масаласини ўртага қўяди. Бу орқали дори-дармонларнинг ноқонуний айланмасини, фармацевтика ва тиббиёт ходимлари ўртасидаги яширин келишувларни ҳамда дорилар нархининг асоссиз оширилишини бартараф этиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Умуман олганда, соғлиқни сақлаш тизимини ижтимоий давлат тамойилига

мувофиқлаштириш ва шу асосда “Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодекси” лойиҳасини янада такомиллаштириш масаласи дастурдаги асосий йўналишлардан бири қилиб белгиланган.

Номзод дастуридаги яна бир муҳим масала, мамлакатимизда “ақлли тиббиёт” тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, тиббиёт соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни кенгайтириш билан боғлиқ. Зеро, бугунги кунда дунё тиббиётининг илғор усуллари билан танишиш, хорижий давлатларнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги ютуқларидан самарали фойдаланиш, аҳолимизнинг соғлиғини янада яхшилаш учун “ақлли тиббиёт”дан, телемедицинадан, замонавий ахборот-технологияларидан фойдаланиш ҳаётий заруратга айланган. Бу эса бугунги ислохотларимизнинг, аҳоли саломатлигини сақлашнинг муҳим шартларидан биридир. Шу сабабли, дастурдаги бундай ғояларни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

**Исмоил САИФНАЗАРОВ,**  
Тошкент давлат иқтисодий  
университети профессори,  
фалсафа фанлари доктори:



— Янгиланган Конституциямизнинг 52-моддасида давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилади, уларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик кўрсатади, деган норма белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, “Адолат” СДП номзоди ўз Сайловолди дастурида ўқитувчининг обрў-эътибори — бу аввало, миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътибори эканига алоҳида урғу бермоқда. Партия ҳам ўз электоратининг салмоқли қисмини ташкил этган педагог ходимларнинг нуфузини ошириш ҳамда юксак мақомини белгилаш орқали уларнинг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий чораларни кўриш тарафдори. Шу мақсадда ўқитувчининг мақомига оид қонуннинг тез фурсатда қабул қилиниши номзоднинг дастурида устувор масала сифатида эътироф этилган.

Маълумки, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиши, энг аввало, замонавий илғор технологияларнинг ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ. Замонавий илғор технологияларни ҳаётга татбиқ этиш учун эса таълим, илм-фан, инновацияларни ривожлантириш талаб этилади. Шунинг учун дастурда фан — таълим — ишлаб чиқариш тизимларининг узвий алоқадорлигини таъминлаш масаласи замонавий илғор технологияларни юзага келтиришнинг асоси сифатида белгиланади.

Ҳаммамизга аёнки, ҳар қандай жамиятда таълимни ривожлантирмасдан туриб, илм-фан соҳасида янгиликларни яратиш бўлмайди. Илм-фан соҳасида янгиликлар бўлмаса, инновацияни юксалтириш, янги технологиялар яратиш қийин кечади. Буларсиз эса жамият тараққиёти юзага келмайди. Шу сабабли номзод дастурида таълим, илм-фан, инновацияни янада ривожлантириш масаласини кундалик ҳаётимизнинг асосий вазифаларидан бири, деб белгилайди. Нафақат белгилайди, балки таълим, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш пировард мақсад — адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий омили, деб қарайди.

Бугунги кунда таълим тизими ва илм-фан ўртасида, илм-фан билан инновация ўртасида узвий боғланишлар, ҳамкорликлар кутилганидек натижа бермоқда, деб айта олмаيمиз. Шу билан бирга, олимларнинг илмий ва инновацион ишланмаларини тижоратлаштириш, яъни уларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш даражаси юқори эмас. Бошқача айтганда, илм-фан янгиликлари билан саноат, ишлаб чиқариш ўртасида узилиш мавжуд. Яратилаётган илм-фан кашфиётлари, ихтироларини ҳаётга татбиқ этиш ишларини жадаллаштириш лозим.

Бу даражани юксалтириш учун номзод дастурида яна бир жараёнга — иқтисодиётнинг ҳақиқий драйвери бўлган инженер, технолог, агроном-механизатор каби мутахассислар сонини кўпайтириш ва малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш масалаларига алоҳида эътиборни қаратади. Бу бежиз эмас. Чунки ушбу соҳалардаги аксарият илғор фикрлар, ғоялар, ихтиро ва кашфиётлар айнан шу соҳалар вакиллари-нинг фаолияти туфайли юзага келади.

Номзод дастурида эътиборни мактаб таълимини халқро таълим дастурлари асосида изчил ислох қилиш жараёнига ҳам қаратади. Бунинг сабаби аниқ, чунки илм-фаннинг, инновацион янгиликларнинг асоси биринчи навбатда, халқ таълими, мактабларда ўқитиш тизимини яхшилашдан бошланади. Яъни ҳамма нарса таълим дастурларидан бошланади.

Президентликка номзод Сайловолди дастурида бу йўналишдаги асосий мақсадни мамлакатимизда инновацион ривожланишни жадаллаштиришдан, иқтисодиётнинг барча тармоқларидан инновациялар ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ қилишдан, инсон капиталини, илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантиришдан иборат, деб белгилайди. Юртимиз, Ватанимиз тараққиёти учун хизмат қиладиган бундай ғояларни қўллаб-қувватлайман.

**Инна КОРЖИКОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутаты, Ўзбекистон  
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятда тугган ўрни алоҳида аҳамиятга молик масаладир. Хотин-қизларга муносабат маълум муддатнигина талаб этадиган масала эмас. Бу доимий изчилликни, мунтазам эътиборни ва қатъиятни талаб этадиган масала. Зеро, ҳар қандай жамиятнинг даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан бел-



## ТАНЛАЙМИЗ



гиланади, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Аёлларимизнинг оилада тутган ўрни бекиёс. Окила аёллар ўз меҳри билан оиладаги муҳитни, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни сақлаб туради.

Номзод дастурида адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароитлар яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини сўзсиз таъминлашга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ўз фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қайд этилган.

Номзод томонидан хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойларидаги хотин-қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам эътирофга молик.

Энг муҳими, номзод жамиятда хотин-қизлар фаоллиги ва ролини оширишда бардавом бўлиб, барча бўғиндаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида хотин-қизлар вакилларини кўпайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Маълумки, янгиланган Конституциямизда оила институтига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги, давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши, оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оилани кўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, анъанавий оилавий кадрларни сақлаш бўйича чоралар кўриши кераклиги алоҳида белгиланган.

Шунингдек, номзод ўз Сайловолди дастурида мазкур ҳаётбахш конституциявий нормалардан келиб чиққан ҳолда, “Оналик, оталик ва болаликнинг давлат муҳофазаси тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ташаббусини илгари сурмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, оила институти янги конституциявий нормалар асосида мустаҳкамлашни ҳамда янада та-

комиллаштиришни тақозо этади.

Номзод оилаларда тенг ҳуқуқли ва адолатли муносабатни, маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмларини яратишга алоҳида эътибор қаратган.

Бунинг учун, аввало, оилавий ажримларнинг олдини олиш чораларини кўриш керак. Шунингдек, оила институти мустаҳкамлаш бўйича миллий индексларни ишлаб чиқиш зарур.

Номзод дастурида репродуктив саломатлик ва демографик ривожланишни барқарор таъминлаш мақсадида “Соғлом оила — соғлом жамият 2030” дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш режасини ҳам алоҳида қайд этиб ўтган. Чиндан ҳам, жамиятнинг соғломлашиши оиладан бошланади. Соғлом оилалар умумлашиб, ягона соғлом жамиятни ташкил этади. Бу ерда гап, албатта, оиланинг ҳам жисман, ҳам маънан соғломлиги ҳақида кетаётгани масаланинг долзарблигини янада оширади, деб ўйлайман. Юқоридагилардан келиб чиқиб, барчани номзодимизни кўллаб-қувватлашга қақираман!

**Зухра ИБРАГИМОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси Спикерининг**  
**ўринбосари, “Адолат” СДП**  
**фракцияси раҳбари:**



— Анъанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг кўламли дастурларининг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли ижтимоий давлат сиёсатини кўллаб-қувватлаётган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси барча соҳаларда ижтимоий адолатни қарор топтиришни ўзининг устувор вазифаларидан бири сифатида эътироф этади.

“Адолат” социал-демократик партиясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Маҳмудованинг Сайловолди дастурида давлат бошқарувини такомиллаштириш борасида бир қатор таклифлар илгари сурилмоқда.

Мисол учун, ҳар қандай оила ўз оила бошқарувини режали асосда амалга ошириб борса, шубҳасиз, ўша оила аъзоларининг ҳаёти фаровон, дастурхони тўкин, келажаги нурли бўлади.

Биз яшаб турган жамиятни кўплаб оилалардан ташкил топган улкан бир оилага қиёс қилишимиз мумкин. Шундай экан, жамият ва давлат бошқаруви ҳам мукамалликни, хатосиз ишлашни талаб қилади. Қолаверса, оила бошқару-

ви ҳам, давлат бошқаруви ҳам ҳамиша тирик организм каби янгиланиб турадики, демек, жамият бошқаруви ҳам ушбу жараёнда кундан-кунга шиддат билан ўзгариб бораётган замон талабларига жавоб бера олиши керак.

Айни шу жиҳатдан олиб қараганда, номзодимизнинг Сайловолди дастурида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, парламентаризм ва парламент демократиясини янада ривожлантириш юзасидан бир қатор янги ғоялар илгари сурилмоқда.

Хусусан, номзод маҳаллий Кенгашларга туман (шаҳар) ҳокимларига нисбатан ишончсизлик билдириш ҳуқуқини беришни таклиф этмоқда. Бу масаланинг моҳияти нимада? Бу таклифнинг қандай аҳамияти бор?

Кучли фуқаролик жамиятига ўтаётган мамлакатимизда сўнгги йилларда жойларда ижро ҳокимияти устидан самарали назоратни таъминлаш мақсадида маҳаллий Кенгашларга бир қатор ваколатлар берилди. Ижро ҳокимиятининг маҳаллий Кенгашлар олдидаги ҳисобдорлиги, бюджет жараёнини назорат қилиш каби ваколатлар шулар жумласидан.

Биз худудларда ҳокимларнинг ҳисобдор бўлиши тарафдоримиз. Шу боис, номзодимизнинг маҳаллий Кенгашларга, ҳокимларга ишончсизлик билдириш ҳуқуқини бериш борасида илгари сураётган таклифини ўта долзарб ва муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Чунки мазкур тизим ишга тушган тақдирда ҳокимларнинг ҳам, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ҳам ўз ишига масъулият билан қараши, жавобгарлик ҳисси кучаяди. Бу эса, ўз навбатида, халқ манфаати ва жамият тараққиётига хизмат қилади.

Шунингдек, Президентликка номзод Робахон Маҳмудова ўз Сайловолди дастурида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини тўлиқ хатловдан ўтказилиб, такомиллаштирилиши зарурлигини ҳам билдирган. Бу ҳам жамият ва инсон манфаатларига хизмат қиладиган таклифдир. Чунки адолат устувор жамиятда қабул қилинган ҳар қандай қонун сўзсиз ва самарали ишлаши зарур. Агар амалдаги қонун ишламаса, бу вазият, таҳлил этилиши, тегишли хулосалар чиқарилиши ва ечимлар берилиши зарур бўлади.

Номзодимизнинг Сайловолди дастури шундай ва шу каби ҳаётий ғоялар билан уйғунлиги боис, мен уни кўллаб-қувватлайман. Барчани партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Маҳмудовага овоз беришга қақираман.

**Қутбидин БУРҲОНОВ,**  
**Олий Мажлис Сенатининг**  
**Мудофаа ва хавфсизлик**  
**масалалари қўмитаси раиси:**

— Маълумки, “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурида “Олий кадрият бу — инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларидир!” деган тамойил мустаҳкамланган. Бу тамойил партия фаолиятининг асосий ғояларидан бири қилиб олинган. Шу ўринда савол туғилади, партия сиёсий платформасида нима учун инсон ва унинг ҳуқуқлари, эркинликлари олий кадрият даражасида улуғланмоқда? Жавоби маълум — инсон улуғланмаган, унинг ҳуқуқлари,

эркинликлари қафолатланмаган жойда кадрият ҳам, адолат ҳам бўлмайди. Инсон кадрияти, ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари қонунлар асосида белгиланади. Қонунлар эса адолатли бўлмоғи керак.

Президентликка номзод дастурининг биринчи йўналиши айнан шу масалаларга, яъни “Ҳуқуқий давлат қуриш”га бағишланган. Шу сабабли, бу йўналишда, аввало, “Биз “Қонун устуворлиги — адолатли жамият қуришнинг муҳим шартини!” деган тамойилни жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдор шахслар фаолиятининг муҳим қондасига айлантиришга интиламиз”, деган ғоя илгари сурилган.



Шубҳасиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, унинг кадр-қимматини эъзозлаш марказий масала ҳисобланади. Бунинг учун, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қонун асосида ҳимоя қиладиган суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга эътибор бериш талаб этилади. Шу боис, номзод ўз Сайловолди дастурида бу вазифага алоҳида эътибор қаратган.

Дастурда судлар адолат ҳимоячисига айланиши керак, деган фикр илгари сурилган. Бунинг учун бир қатор масалаларни ижобий ҳал қилиш керак. Аввало, судьялар сонини кўпайтириш, уларнинг ихтисослашувини кенгайтириш, қолаверса, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иш услубини, тафаккурини ўзгартириш, яъни судьялар фаолиятидаги эскича ёндашувларни бартараф этиб, улар фаолиятини жазолаш ғоясидан адолат, тенглик, эркинлик ғояларига ўтказиш зарурлиги илгари сурилади. Бу ғоялар бугунги кун талабидан келиб чиққан десак, айни ҳақиқатни эътироф этган бўламиз.

Адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш учун фақат адолатли қонунлар ишлаб чиқиш, суд тизими мустақиллигини мустаҳкамлашнинг ўзи билан иш битмайди. Айни пайтда жамиятнинг барча жабҳаларида қонунчилик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилиш учун жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳам талаб қилинади. Жамоатчилик назорати эса сиёсий кучлар — партияларнинг жамоатчилик ва ижтимоий ташкилотлар билан ҳамкорлиги натижасида юзага келади. Бизнинг номзодимиз ҳам партиянинг жамоатчилик фаолиятини янада кучайтириш тарафдори.

Хулоса қилиб айтганда, Президентликка номзод қонун устувор бўлган жамиятда тинчлик ва осойишталик ҳукм суришига, тараққиётнинг барқарор бўлишига, халқнинг давлат сиёсатига ва келажакка ишончи ортишига, фуқароларнинг Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси юксак бўлишига ишонади. Бу ишонч унинг Сайловолди дастурида ҳам ўзифодасини топган.

**Ўзбекистон Республикаси Президентлигига “Адолат” социал-демократик партиядан номзод Робахон Маҳмудовага овоз беринг!**



(Боши 1-саҳифада)

– Бошқа маҳкумалар сингари бу ердаги шароитлар ҳақида деярли гапирмаяпсиз. Ваҳоланки, айтишингизга қараганда, жуда яхши шароитларда яшагансиз?

– Ўзим тадбиркор бўлганим учундир, бу опага (цех эгасини назарда тутаяпти) бир тийинни, буюртмаларни топиш қандай қийинчилик билан келишини жуда яхши тушунаман. Ўзим тинимсиз ишлаяпман, мана, қўлларимни қаранг...

– Шунга яраша ҳақ оласизми?

– Албатта. Ишдан кейин ҳам 9-10 гача қолиб, тикиш қиламан, кимдир дам олишни истайди. Лекин мен доимий меҳнатга ўрганганман. Ишбай ҳақ тўлангани учун кимдир ойига 500 минг олади. Мен эса 3-4 миллион сўмгача олган пайтларим бўлган. Бу ердаги еб-ичишимдан орттириб, болаларимга ҳам жўнатиб тураман. Уларнинг ўқишини шу ердан туриб назорат қиламан. Ўқитувчиларига қўнғироқ қилиб, вазиятни билишга уринаман.

– Улар билан гаплашганда ўзингизга нисбатан номуносиб муносабатни ҳам ҳис қилганмисиз?

– Бунақаси ҳам бўлган. Лекин мен уларга хатони содир этишдан ҳеч ким қафолатланмагани, ҳар кимнинг бошига бу кўргулик тушиши мумкинлигини тушунтираман. Кейин ўзларига келиб қолишади.

– Бу ердан чиққач, режаларингиз ҳам аниқ бўлса керага?

– Албатта. Тадбиркорлик ишимни очаман. Ҳозирги шароитларда тадбиркорлик қилмаслик уят.

“Мен туфайли иснодга қолинг, дада!”

Ушбу қаҳрамонимиз билан суҳбатимиз бироз оғир кечди. Тўғри, у бир қараганда ич-ичидаги жуда кўп сирларни очиб гапирди. Аммо содир этган жиноятини айтишни истамас, тўғрироғи, бу ерда ўзининг айбдор эканлигига назаримда, ўзи ҳам ишонгиси келмасди.

– Ҳаётим шундай бўлишига ўзим сабабчиман, аслида. Биласизми, айтилган ҳар бир гапга фаришталар омин дейди, ёки отани норози қилишдан оғир гуноҳ йўқ, деган гапларни кўп эшитганмиз. Лекин жаҳл келганда ақл-хуш ҳам кетади, дейишадику.

Ҳали турмушга чиқмасимдан анча аввалроқ онам оғир касалликка чалинади. Асосий қаровчи ўзим эдим. Ҳовлимизда каттагина томорқамиз бор. Опаларим турмуш куриб кетишган, шунинг учун рўзгор ишларига ҳам ўзим, кундан-кун аҳволи оғирлашиб бораётган онамга қарашга ҳам асосан ўзим балогардон эдим. Экин экардим, мол-ҳолга қараб, томорқадаги маҳсулотларни бозорга чиқариб, сотардим, шу билан анча чалғир,

онамнинг азоблари бироз ёдимдан кўтариларди. Аммо шундай кунларнинг бирида отамнинг бошқа аёлга уйланганини эшитиб қолдим. Тасаввур қилинг, оғир аҳволдаги онасига қараётган ёш қиз бу хабарни эшитса қандай холга тушади? Тўғриси чидолмасдим. Ичимдаги ғазабимни отамга айтиб солардим. Энди бу ерда ўтириб, кўп воқеаларни таҳлил қилаяпман. Менку, ёш қизман, лекин нега опаларим, кўпни кўрган бувим ҳам менга насихат беришмаган. Аксинча, отанга айт, отангни бу йўлдан қайтар, дея мени гиж-гижлайверишган?



# ЁПИК ҲАЁТ ОРТИДА

Сен шаддодроксан, отанг сенинг айтганинга кўнади, дея шундоқ ҳам онамнинг ҳар куни сўлаётганидан безовта асабларимга гугурт чақишди.

– Отангиз уйланган аёлга зиён етказдингизми?

– Йўғе, шошмай эшитинг... Хуллас, уйда жуда таранг вазият юзага келди. Отамга бир сафар каттиқроқ гапирдим. Отам охири юзимга бир шапалоқ тортиб юборди. Унинг бу ҳаракати юрагимдаги аламни баттар алангалатди. Отамни иснодга қўйсам ундан ўч оламанми, алашимдан чиқаманми, деб ўйладим. Хуллас, ота-онам, ўзим ҳам розилигим билан унаштирилган йигитга эмас, умуман бошқа бир инсонга турмушга чиқаман, деб туриб олдим. Отамнинг юзига қараб: “Мен туфайли иснодга қолинг, бир умр қийналиб юринг!”, дедим жаҳл, алам билан!

Буни қарангки, орадан кўп ўтмай отам ростдан ҳам мен туфайли бош кўтаролмайдиган даражадаги иснодга қолди. Бундай бўлишини ким ўйлабди дейсиз...

Мен алам билан танлаган оиладаги муҳит яхши эмаслигини ҳаммамиз яхши билардик. У ерда менга осон бўлмаслигини тушуниб, жаҳл устида шу қарорга келдим ва орадан вақт ўтиб ҳам бу қароримдан қайтмадим. Оиладаги турли келишмовчиликлар, адолатсизликлар қонимни қайнатарди. Наҳотки она ўз оиласига, ўз фарзандларига шунчалик адо-

латсиз бўлиши мумкин, деб ўйлардим.

Кейин ҳаммаси тугади, мана шу тарика.

– Бу ердан чиққанингиздан сўнг нималар қилмоқчисиз? Кўнглингизда қандай ниятлар бор?

– Жуда кўп айриликларни бошимдан ўтказдим. Энди отамнинг кўнглини ҳечам оғритмасам, дердим. “Зона”да пайтим электриклик касбини ўргандим, анча ишладим ҳам. Озодликка чиққач, бемалол шу касб билан шуғуллана оламан. Боя айтганимдай, ҳовлимиз каттагина. Мол-ҳол қиламан, экин экаман.

одамдан кўпроқ кўрқиш керак. Масалан, бу ердаги маҳкумалардан бири турмуш ўртоғининг доимий тазйиқларидан сўнг икки боласи ва ўзининг жонига қасд қилган. Буни қарангки, фарзандлари нобуд бўлиб, ўзи тирик қолди. У аёлнинг руҳияти жойида эмас, деб ўйлайман, унинг азобланишига қарашнинг ўзи азоб. Лекин барибир у ҳаётидаги фожиаларга бор сабабчи турмуш ўртоғи, деб билади ҳамон. Айниқса, унинг уйланиб, яхши яшаб юрганини эшитиб, ақлдан озгудай бўлади. Бу ердан чиқиб, у яна бир

Бу соҳада қандай даромад қилишни яхши биламан. Айтдимку, жуда меҳнатқашман, ҳеч қачон меҳнатдан қочмаганман.

Ростдан ҳам бу қаҳрамонимиз меҳнатдан қочмас экан, шу ерда ҳам бошқа қисматдошларидан кўра анчагина яхши ишлаб, кўпроқ ойлик оларкан. Шаддодлиги, адолатсизликка мурасасизлиги кўриниб турибди. Унга қайнонасининг қотиллигига шериклик ҳукми эълон қилинган.

Дардини айтмай қийналаётган одам кўмакка муҳтожроқ

– Мен ўз ҳақ-ҳуқуқларимни жуда яхши биламан, бу ердаги шароитларни ҳам, бошқа гапларни ҳам бемалол гапириб олавераман. Сизга ўзим ҳақимда эмас, бошқа воқеани айтиб беришни истардим, – дея гап бошлади навбатдаги қаҳрамонимиз.

– Марҳамат, ўзингиз ҳақда айтишни истамасангиз, бу сизнинг ҳуқуқингиз.

– Биласизми, бу ердаги кўпчилик хотин-қизларга психолог кўмаги керак.

– Психолог тез-тез келиб турмай-дими?

– Йўқда, шунинг учун сизга бу ҳақда айтяпман.

– Хавотирингизга жиддий сабаблар борми? Кимнингдир агрессив ҳаракатларини кузатганмисиз ёки...

– Менимча, ҳеч қандай агрессив ҳаракат қилмай, ичидаги дардини ҳеч кимга айтмай қийналаётган

жиноят содир этмаслигига қафолат бериш қийин.

Кечки бешдан кейин бу ерда одатдагидек, ўзига хос тирикчилик давом этади. Навбати билан битта газ плитасида таом тайёрлашга киришади аёллар. Кимдир таомининг яхши чиқишини ўйлайди, кимдир бу ердан чиққандан кейинги ҳаётини.

Умуман, бу маскандаги аёлларнинг ҳар бирининг ўз ҳикояси бор, ҳар бири ўзича ҳақ. Кимдир ўз қилмишларидан пушаймон, айбдор фақат мен эмасман, жиноятга туртки бўлган омиллар сабаб барчасига, деган қатъий фикрда. Кўпчилик бу ердан чиққач, ҳаётини ўнглаб олиш ҳақида ўйлайди, яна бошқалар шу ерда ҳам яхшироқ ҳаёт кечиримиз ҳам шарт деган фикрда. Ҳаёт курашлардан иборат, бу маскан ҳам бу қоидадан холи эмас. Курашиб, тирмашиб, меҳнат қилиб яшамасанг, холинг абгор бўлиб қолаверади.

Манзил-колонияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Самарқанд вилоят бўйича минтақавий вакили Диёр Хусанов аёлларнинг муаммолари, ҳақ-ҳуқуқлари билан билан боғлиқ шикоятларини эшитди. Камчиликларни бартараф этиш учун зарур чораларни белгилади.

Гулруҳ МҶМИНОВА.



## ЯХШИ ИНСОННИНГ ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАРИ

**Илк баҳор кунлари эди. Қахратон кишининг эт-этдан ўтиб кетувчи изғиринлари ортда қолган. Кўкдаги қуёш бир муддат ёқимли нур таратадию, зум ўтмай ўзини булутлар орасига уради. Булутлар эса бир-икки совук томчиларини ташлаб, ҳавода ўз йўналиши бўйича сузиб кетади. Бугун табиат, еру осмонда ажиб манзара.**

Биз тушган машина Самарқанддан чиқиб, Нуробод қишлоқлари сари яқинлашмоқда. Машина рулини охишта бошқариб бораётган Ҳамрокул домла ёнидаги меҳмоннинг кайфиятига қараб сўз бошлайди:

– Икром ака, баҳорда қишлоқларимиз табиати бошқача бўладида. Мана Сазагонга яқинлашяпмиз. Тоғ бағридаги бу қишлоқнинг, унинг юқорисидаги болалар оромгоҳининг таърифига сўз йўқ. Атрофдаги бошқа қишлоқлар ҳам шундай.

– Ҳозир бораётган манзилимизчи, – сўрайди теварак-атрофни завқ билан кузатиб бораётган Икром ака.

– Айнан шу қишлоққа келаяпмиз. Сиз қизиққан хўжалик идораси ҳам шу ерда. Мана шу тоғларга туташ яйловларда қорабайр зотли йилқилар, Ангор эчкилари парвариш қилинади. Хув кўриниб турган чўкки ёнида қимиз тайёрланарди.

Икром ака кетма-кет саволлар беради. Мен жавоб қайтаришга ҳаракат қиламан. Шу аснода “Сазагон” ижара хўжалиги идорасига етиб келдик. Бахтимизга қарши идора бўм-бўш, ҳеч ким йўқ эди. Машина шовқиниданми ёки хизмат вазифаси вазиданми етиб келган қоравул бугун идораги ҳеч ким келмаслигини, хўжалик директори тўйи бўлаётгани, хоҳласак манзилини беришини айтди.

Меҳмонга савол назари билан қарадим.

– Бораверамиз, – деди Икром ака. – Ҳеч хижолат бўладиган жойи йўқ. Барибирам бугун дам олиш кунини. Қиладиган бошқа ишимиз ҳам йўқку. Баҳонада бу ердаги раҳбарлар тўйларининг қандай ўтишини кўраемиз.

Шундай қилдик. Сазагонга унчалик узоқ бўлмаган Оксой қишлоғига тўйга жўнадик. Аммо жўнаш арафасида сазагонлик кадрдонлардан бири Хуррам Аҳмедов (жойлари жаннатда бўлсин) билан кўришиб қолдикки, у бизларни бир пиёла чойсиз қўйиб юборишга асло унамади. Тўйдан қайтишда бизлар тўхтаб ўтадиган, у киши кутадиган бўлди. Ҳар икки томон ҳам ваъдасида турди. Мезбон ҳаммамизни йўл ёқасидаги ховлилардан бирига бир пиёла чойга таклиф қилди.

Икром ака гап бошлади: “Биз анча шошиб турибмиз. Имкон қадар вақтлик кўзғолсак”.

Мезбон таклифга рози бўлди. Ховли ўртасига қўйилган стол атрофидан жой эгалладик. Эндигина суҳбатимиз кўр олаётган эди ҳамки, ёнгинамиздаги бир неча товукларга кўзимиз тушди. Уй эгасидан бирини сўйиб қўлбола овқат тайёрлаб беришини илтимос қилдик.

Унинг эса жавоби антиқа бўлди: “Бемалол, аммо шарт бор. Товуклардан хоҳлаганингизни қувиб тутиб оласиз. Мен эса сўйиладиган товук учун ҳақ сўрамайман”.

Ҳаммамиз бир-биримизга қарадик. Пархез овқат тусаб қолган кўнгила-римиздан ҳам хафа бўлдик. Шу пайтда хаёлимга ажойиб фикр келди. Ёнгина-мизда “қў-қў” лашаётган товукларга араққа бўктирилган нон ушоқларини ташлай бошладим. Ҳунарим тезда самарасини берди. Товуклар ичидаги каттагина хўроз шалпайиб қолганди. Ўтирган жойимда оёғидан тутдимда, уни баланд кўтариб, уй эгасини чақирдим.

– Қойил, – деди Икром ака. – Буям иждоқкорлик.

Ана шу воқеани Икром ака узоқ йиллар эслаб юрди. Тошкентга борганимизда ҳам, ўзи Самарқандга келганида ҳам “арақхўр” товук ва “ихтирочи” мухбир ҳақида гапириб берарди. Ва қўшиб қўярди. Фавқуллода вазиятларда чора тополган мухбирни кадрлаш керак. У ишда ҳам албатта, шундай жонкуяр бўлади.

Тошкентда “Халқ сўзи” газетаси вилоят мухбирлари аттестациядан ўтказилди. Комиссия аъзолари тахририят ходимларидан, асосан, бўлим мудирларидан иборат эди. Бошқаларни билмадим, аммо камина учун бу аттестация кимларнингдир манфаати учун ўйлаб топилган эди. Қизиғи, унда айримларнинг қандай натижа қайд этганию, қанча бал тўплагани ҳисобга олинмади. Гўё аттестациядан ўтадиганлару йиқил-ладиганлар рўйхати олдиндан тайёрлаб қўйилганди. Камина ҳам бир неча “масъулиятсиз” мухбирлар қатори ана шу қора рўйхатга туширилган экан. Қанчалик асаббузарлик, тортишувлар бўлмади дейсиз. Охир-оқибатда аттестациядан “ўтолмаганлар”ни вазифасидан озол этишиб, тахририятда ишлашга чақириб олишди. Мени эса олти ой давомида шундай усулда жазолашди, улар таъбири билан айтилганда эса “қайта тарбиялашди”. Бундай услубдаги тарбиядан сўнг ҳам аввалги вазифам – Самарқанд вилояти бўйича

мухбир бўлиб, ўн йилдан ортиқ ишладим. Фақат олти ой давомида азим Тошкентда уй-жойсиз, етарли маблағсиз тентираганим қолди.

Ана шу вақтда Икром Ўтбосаровдан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Устоз ҳамиша ўзига яқин олар, ҳар ишда кўн-гил кўтаришга ҳаракат қиларди. Ўша ўтган аттестация ҳақида гап очилганида у бу ҳақда истехзо билан ўйлар, ҳақиқий айбдорлар номини очиқ айтмасдию, аммо кимларгадир ишора қилиб қўярди.

Мен эса бу “ноёб аттестация”ни хоҳласамда, хоҳламасамда хаёлимдан узоқлаштираолмасдим. Лекин бир нарсани билардимки, ўша “ўйин”дан Икром акадек инсонлар ўзини четга олган, ҳар қандай шароитда ҳам ҳақиқатга тик боққан, адолат томонида бўлган экан. Бундай фикрга боришимнинг асосий сабаби анча қийналган пайтларимдаги Икром аканинг ғамхўрлик қилишию, йўл-йўриқ кўрсатишида эди.

Аттестация масаласидан кўпам узоқлашмай тахририят ходими Мақсуд Жонихоновнинг отаси Ўроқхон эшон бобо Ургутда тўй қилди, иккинчи ўғиллари Матниёзхонни уйлантирди. Тўйга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан меҳмонлар келишди. Эл прдоғидаги санъаткорлар Илхом Жўраев ва раҳматли Фурқат Мирзаев хизматда бўлди. Эшон бобо ўз қўллари билан бир қанча меҳмонларга тўн ёпди. Каминага ҳам меҳмонлар, хусусан, Икром Ўтбосаров қатори шундай табаррук ҳолат насиб этгандики, ундан доимо фахрланиб, ғурурланиб юраман.

Икром Ўтбосаровда одамийликнинг барча хислатлари мужассам эди. Энг асосийси, ўзининг мустақил фикри бўлиб, ҳеч бир вақтда у ўзгариб қолмасди. Бировларга ўхшаб раҳбар ёки айрим мансабдорлар олдида ялтоқланиш, бўлар-бўлмас “гуруҳлар”га қўшилиб кетиш, бировларга ноҳақ ситам ўтказиш каби бўлмағур одатлар унга бутунлай бегона эди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**  
Ўзбекистон Журналистлар уюш-  
маси аъзоси.



ЖАМИЯТ  
BONG.UZ

### Муассислар:

Ўзбекистон  
Республикаси  
Экология, атроф-  
муҳитни муҳофаза  
қилиш ва иқлим ўзгариши  
вазирлиги

Тадбиркорлар ва  
ишбилармонлар  
ҳаракати —  
Ўзбекистон  
Либерал-демократик  
партияси.

Ўзбекистон  
Нодавлат нотижорат  
ташкilotлари миллий  
ассоциацияси.

Ўзбекистон  
Савдо-саноат  
палатаси.

Бош муҳаррир  
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета тахририятнинг  
компьютер бўлимида  
саҳифаланди.  
“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-610  
Адади: 1015.  
Пайшанба кунини чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 3 босма табоқ.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон  
матбуот ва ахборот  
агентлигида  
2006 йил 0010-рақам билан  
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик  
жихатдан сифатли чоп  
этилишига “Шарқ” нашриёт-  
матбаа акциядорлик  
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
71-233-72-77,  
71-233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти:  
20:00

1 2 3 4 5 6



# ОТАНИНГ ҲАҚҚИ



(Боши 1-саҳифада)

– Бирон йиллардан сўнг фарзандлар маслаҳатлашиб, отасини шаҳарлик бир бевага уйлантиришибди, – давом этди Нозимжон. – Буни қаранки, бу аёл ҳам оқила чикибди. Аёллик вазифасини яхши бажарибди. Давр ўзгариб, одамларда ҳам пул топиш, бойлик орттириш, бизнес қилиш биринчи масалага айланди. Ота-болага, ака-укага киё бокмайдиган, опа-сингилдан хабар олмайдиган бўла бошладик. Бердикул бобонинг тўнғич фарзанди ўзи миниб юрган “Жигули”сини ўғли корейга бориб, кўп пул топиб, кучайгач, янги замонавий мошинага алмаштирган экан. Эскисини отасига берибди. Аммо бир муддат ўтиб, қайтариб олибди-да, сотиб юборибди.

Ота жим.

Бу ҳам етмагандай, кичик ўғли дастлаб отасини хотини билан бирга ховли этагидаги пастқам, эски томчага кўчиради. Бунга ҳам қаноат қилмай отанинг хотинини қувиб солади.

Ота жим.

Аёл яхши экан, шунда ҳам эрини унутмабди. Ҳафтада бир ё кишлокқа келиб хабар олиб кетар, ё эрини шаҳардаги уйига чакиртириб, кир-чири, емак-ичмагидан хабар оларкан.

Бугун “авария” бўлиб, вафот этган бу боланинг отаси уч-тўрт йил олдин оғир касалликдан оламдан ўтганди. Ана шу эди мошина бериб қайтариб олган ўғил. Кичик ўғил эса бугун оғир хаста, йўлига зўрға юради, ўзини базўр эплайди. Худди шу эди отани уйдан чиқарган ва хотинини ҳайдаган, нобакор.

– Одамзот қизиқ-да, пул топади-ю ақл топмайди, – деди оқсоқол бу воқеаларни менга сўзлаб бераркан. – Осон ва оддий нарсани ўзи қийинлаштиради, ўзига-ўзи муаммо туғдиради. Осонлиги нимада? Қаранг! Ота-онангга хизмат қил, уларнинг розилигини ол, марҳамат икки дунёнинг обод. Бу дунёда ҳам тур-

мушинг яхши бўлади, у дунёда ҳам юзинг ёруғ бўлади. ИншаАллох! Эх биз бандалар...

Отахон сўзларини яқунлаган эдики, “солати жаноза...” деган чакирик янгради. Жанозадан кейин тарқалишдик.

Нозимжоннинг сўзларидан акаси чуқур ўйга толди.

Аллоҳ-таоло ота-она ҳақида шундай дейди:

**“Аллоҳга ибодат қилинг ва унга ҳеч нарсани шерик қилманг ҳамда ота-онангизга яхшилик қилинг” (“Нисо” сураси, 36-оят).**

Севимли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадисда: “Аллоҳ наздида Намоздан кейинги энг суюкли амал, бу ота-онага яхшилик қилиш” эканлиги айтилган (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари). Шунингдек, яна бир ҳадиси шарифда ота-онага оқ бўлиш худди Аллоҳга ширк келтириш, ноҳақдан одам ўлдириш ва ёлғон қасам ичиш каби гуноҳи кабиралар сирасига кириши таъкидланган (Имом Бухорий ривояти).

Ота-онага оқ бўлиш бир неча белги ва кўринишларга эга. Масалан, уларни йиғлатиш, хафа қилиш, улар билан гап талаштиш, бақиритиш, қўпол



сўзлар ишлатиб жеркиш, иш буюрсалар “уфф” дейиш, уларга хўмрайиш, аҳл-у аёлини улардан устун қўйиш ва бошқа шу каби салбий ҳолатлар орқали содир бўлиб, фарзанд бутунлай бадбахт бўлиб қолиши мумкин.

Бир кишлокдан ўтиб бораётган киши отасига бақираётган ўғилни кўриб қуйидаги мисраларни ўқиган экан:

*Боғлаб узоқ бирла кўнгул,  
Менсимай ота-онасин.*

*Озор тонгай қариндош дил,  
Терар бадбахтлик мевасин...*

Ота-онага яхшилик қилиш муқаддас Исломизмнинг гўзалликларидан саналади. Шундай экан уларнинг ҳақларини улуғ билиб, ақл билан иш юритиб, уларга яхшиликлар қилиш ва розиликларига эришиш орқали икки дунёимизни саодатли қилайлик. Зеро бу ўта қийин иш эмас, азизлар.

Қаюм СОБИРОВ,  
Жомбой тумани ҳокими.



## QISHLOQQURILISHBANK

ATB “Qishloq qurilish bank” jamoasi  
barcha yurtdoshlarimizni

# Qurbon hayiti

bilan samimiy muborakbod etadi!

Quant mobil  
ilovamizni  
yuklab oling!






[www.qishloqqurilishbank.uz](http://www.qishloqqurilishbank.uz) ☎ +998 78 150 00 55, ☎ 1254